



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 7 сентябрь, № 186 (7416)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 сентябрь куни 2020 — 2030 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги бўйича улкан салоҳиятга эга. Бозорларимиз тўкин, халқимиз ризқ мўл-кўл бўлишдан тортиб, экспортдан қўшимча даромад топишгача бўлган жуда кўп масалалар шу йўналиш ривожига боғлиқ.

Лекин узок йиллар давомида аграр соҳага етарлича эътибор берилмади. Ва бозор иқтисодиёти, на ерга муносабат, на манфаатдорлик бор эди. Маънавий инновациялар жалб этилмади. Оқибатда ерлар “чарчаб”, унумдорлик пасайиб кетди. Маҳсулотни қайта ишлаш, қўшимча қиймат олиш бўйича тизим яратилмади.

Кейинги йилларда соҳани ислоҳ қилиш ва бозор механизмларини жорий этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Давлат ҳарид нархлари қарийб 3 баробарга кўтарилгани натижасида деҳқон ва фермерларда манфаатдорлик туйғуси ошди. Пахтачилик ва галлалчилик ҳашар эмас, чинакам даромад манбаига айланди.

Янги технология ва инновацияларни жорий қилиш, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақини ошириш мақсадида 76 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилди. Жорий йилнинг ўзида 25 минг гектар пахта майдонларида сув тежовчи янги сугориш тизими жорий қилинди. Фойдаланишдан чиққан 1 миллион 100 минг гектар ерни қайта ишлаш киратиш бўйича катта саъй-ҳаракатлар бошланди.

Булар — ислоҳотларнинг биринчи босқичи. Президент фақат бугунги эмас, балки эртанги кунни ҳам ўйлаб, узқоқни кўзлаб ислоҳотларни янги босқичга кўтариш вазифасини қўймоқда. Шу мақсадда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга йўлланма стратегияси ишлаб чиқилмоқда. Бу иқтисодиётимизнинг асосий ўсиш нуқтаси, “драйвери” бўлади. Миниминглаб иш ўринлари яратилади, одамларнинг даромади ошади.

Йиғилишда ишлаб чиқилаётган стратегияни амалга ошириш учун зарур бўлган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ер эгалари унумдорлик ва ҳосилдорликни ошириш мақсадида ерга инвестиция киритишга интилиши учун уларнинг эртанги кунга тўла ишончи бўлиши керак. Шу боис давлатимиз раҳбари қонунчиликни бутунлай янгиллаб, ер ажратилишнинг шаффоф тизими ва ерга бўлган ҳуқуқнинг кафолатлигини, ернинг дахлсизлигини таъминлаш, ерга бўлган муносабат тушунчасини ҳуқуқ соҳасига киритиш зарурлигини таъкидлади. Бу нафақат аҳоли бандлигини, экспорт, балки

бюджетга қўшимча даромадлар тушумини ҳам таъминлайди.

Бунда, аввало, қишлоқ хўжалиги ерларининг аниқ ҳисобини юритиш, улардан фойдаланишни такомиллаштириш муҳимлиги қайд этилди. Шундан келиб чиқиб, “Давлат-геодекадастр” кўмитасига 2021 йил охирига қадар республиканинг барча ҳудудларида ерни ҳисобга олиш ишларини якунлаш, ер ҳисобини юритиш бўйича ягона электрон базани яратиш топширилди.

Қишлоқ хўжалигида сувдан тўғри фойдаланиш ҳам жуда муҳим масала. Таҳлилларга кўра, юртимизда экин майдонларига миллиардлаб куб метр сув йўналтирилса-да, унинг фақат 60 фоизи экинларга етиб боради, қолгани эса ирригация тизимларида ва суғориш жараёнида йўқотилади.

Жаҳон ресурслар институти таҳминларига кўра, 2040 йилга бориб Ўзбекистон сув ўта танқис бўлган 33 мамлакат қаторига кириши мумкин.

Шу боис давлатимиз раҳбари бу масалаларни ҳал қилишда эътибор қаратиб, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва унинг ҳисобини юритиш, ҳар йили 200 минг гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий қилиб бориш зарурлигини таъкидлади. Ушбу йўналишлар ишлаб чиқилаётган стратегияда ўз аксини топиши зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва давлат харидлари тизимини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинган экан, бюджет маблағларининг асосий қисмини ерларнинг унумдорлигини ошириш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, илм-фанни ривожлантиришга сарфлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш ва қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилиб, бу борадаги жаҳон тажрибаси таҳлил қилинди.

Масалан, Туркияда 1 гектар ердан 2 минг долларлик, Мисрда 8 минг долларлик, Исроилда 12 минг долларлик маҳсулот етиштирилади. Юртимизда эса бу кўрсаткич 300 доллардан ошмаяпти. Домин ягона стандартдаги товар етказиб бериш йўлга қўйилмагани сабабли маҳсулотларимиз ташқи бозорда рақобатлаша олмаётми.

Агар тармоқдаги экспорт ҳажми 2018 йилда 2,3 миллиард долларни ташкил этган. Стратегияда белгилаб берилган вазифаларни

амалга ошириш натижасида бу кўрсаткич 2030 йилга бориб 20 миллиард долларга етказиш мўлжалланмоқда.

Йиғилишда мутасаддиларга маҳсулотларни Европа Иттифоқи, Шарқий Осиё ва араб мамлакатлари стандартлари асосида сертификатлаш тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди. Буни мева навини танлашдан бошлаб кераклиги таъкидланди.

Бу борада томоққа хўжаликни ҳам катта резерв экани, “бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида жойларда логистика хизматини кенг йўлга қўйиш, кичик ишлаб чиқарувчиларни кооперацияга бирлаштириб, маҳсулотлар сифати ва стандартлари бир хиллигини таъминлаш лозимлиги қайд этилди.

Хизмат кўрсатиш борасида ҳам камчиликлар мавжуд. Масалан, бу тизимда рақобат йўқлиги сабабли хизматлар нархи юқори, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларда танлаш имконияти йўқ. Шунинг учун минерал ўғитларни етказиб бериш, усимликларни химоя қилиш, техника ва бошқа хизматлар соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида хизмат турларини кўпайтириш, хусусий корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Жорий йилда бошланган ерни космик зондаш орқали тупроқ ва экинларнинг ҳақиқий ҳолатини текзор ва ишончли баҳолаш ишларини 2020 йил якунига қадар тўлиқ охирига етказиш лозим. Бу тизим вегетация жараёни, тупроқнинг мелiorатив ҳолати ва минераллашув миқдори, намлик даражаси ҳақида тўлиқ маълумот бериб, ҳосилдорликни 25 — 30 фоизга ошириш имконини яратди. Бу фақат давлат учун эмас, фермерлар учун ҳам жуда фойдалоқ. Мазкур тизимга улашиш орқали деҳқонлар ҳам, экспортчилар ҳам қайси майдонда қандай маҳсулот экинларини кўриб туради, ўз режасини ва бозор конъюнктурасини аниқ баҳолай олади.

Йиғилишда мутасаддиларга қишлоқ хўжалиги статистик бошқарувини ислоҳ қилиш, жумладан, экинларни жойлаштиришдан тортиб сотувгача бўлган жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Стратегиядаги вазифаларни самарали амалга ошириш, энг аввало, кадрлар салоҳияти билан боғлиқ. Бу соҳага ихтисослаштирилган 7 та олий таълим муассасасини ҳар йили 3 мингдан ортиқ ёшлар битирса-да, ҳудудларда кадрлар етишмаяпти. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси йўқ, замонавий таълим услублари жорий қилинмаган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантиришга бюджетнинг 0,1 фоизига йўналтирилади. Ваҳолатини, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 2-3 фоиз атрофида.

Академикларнинг илмий мактаблари сони 50 тадан 17 тага қамайган, сабзавотчилик, галлалчилик, усимликшунослик соҳаларида эса бундай мактаблар мавжуд эмас. Усимликшунослик, сабзавот, полдиз экинлари ва картошкачилик институтларининг лаборатория жиҳозлари охириги 70 йилда таъмирланмаган. Илмий ишланмаларни тижоратлаштириш чоралари самарасизлигича қолмоқда.

Масалан, бошқа давлатлар гилос экспортини июнь ойидан бошлайди. Агар юртимизда май ойининг бошида ҳосил берадиган гилос нави яратилса, унинг экспортдан олинмаган даромади 2 баробар ошириш мумкин.

Шу боис қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтлари эртанги маҳсулот турларини яратишга асосий эътибор қаратиши лозим. Чорвачилик тармоғида ҳам илм-фан ютуқларини кенг татбиқ этиш, ҳудудлар иқлим шароитига мос чорва зотларини яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз стратегияни халқ билан муҳокама этиб, оқилона қабул қилиш зарурлигини таъкидлади. Унинг ижросини самарали таъминлаш учун ҳар йилга алоҳида “йўл хариталари” ишлаб чиқиш, ҳудудий қишлоқ хўжалиги бошқармалари тузилмасини ҳам такомиллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Халқаро тажриба асосида Тошкент давлат аграр университети ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ўқитишнинг мулкдоши янги методикасини татбиқ этиш, профессор-ўқитувчилар иштирокида сайёр ўқув дарслари ҳамда семинарлар ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди.

Умуман олганда, янги стратегия қишлоқ хўжалигига бозор механизмларини жорий қилиб, илмий асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспортни кўпайтириш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулотлар ҳажмини бир неча баробар оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда кун тартибига қўйилган масалалар ижросини тўла таъминлаш бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ахборот берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлаштирилиши, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмаганлиги таъйрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорига муносиб ўрин эгаллашларига тўқсинлик қилмоқда.

Профессионал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардор кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш бевурачиларни кенг жалб қилиш мақсадида:

1. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (кейинги ўринларда — Халқаро таснифлагич) даражалари билан уйғунлашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари тармоғи ташкил этилсин.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ҲАМДА УШБУ СОҲАДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган комплекс чора-тадбирлар натижасида тадбиркорлик субъектлари сонини янада кўпайтириш ҳамда улар томонидан истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Мамлакат иқтисодиётини узок муددатли ривожлантириш борасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган шароитда ахборот технологиялари воситасида истеъмолчилар, тадбиркорлик субъектлари ва давлат солиқ хизмати органларининг уйғунлашган фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини янада эркинлаштириш, унинг ҳажмини кескин ошириш, ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банки, Савдо-саноат палатасининг савдо (хизмат кўрсатиш) шохобчаларида аҳоли билан нақд пулда ва (ёки) банк пластик карталари орқали амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органлари оғли онлайн режимда узатиб бориш функциясига эга бўлган маълумотлар алмашинуви платформаси — виртуал кассаларни (кейинги ўринларда — виртуал касса) оғли онлайн нозорат касса машиналари (кейинги ўринларда — онлайн-НKM) қаторида жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази” давлат унитар корхонаси онлайн режимда қабул қилинган фискал маълумотларни мустақил ва доимий равишда қабул қилиш, қайта ишлаш, криптографик химоя қилиш ва сақлаш ишларини бажарувчи фискал маълумотлар оператори (кейинги ўринларда — оператор) этиб белгилансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) тадбиркорлик субъектлари онлайн-НKM ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтган тақдирда: уларга нисбатан амалдаги фискал хотирага эга бўлган нозорат-касса машиналарини ишлатиш, кассир-операциячи томонидан нозорат-касса дафтарини юритиш ҳамда иш кунини охирида ҳар бир нозорат-касса машинаси бўйича кўнлик ҳисоботи чиқариб олиш мажбуриятлари бекор қилинади; кўнлик ўртача нақд пул тушуми миқдоридан қатъи назар, нақд пулни банк кассаларига инкассация хизматлари орқали ўзлари белгилаган даврларда ёки мустақил равишда топшириш ҳуқуқига эга;

б) уларга ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган фойда солиғи ёки ягона солиқ тўлови ёхуд қатъий белгиланган солиқ суммасини онлайн-НKMни 2021 йил 1 январга қадар давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга қўйиш шарти билан, унинг ҳар бирини харид қилиш, ўрнатиш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар суммасига, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан ошмаган миқдорда камайтириш ҳуқуқи берилди;

в) виртуал касса дастури маҳсулотларининг асос қисми (базаси) уларга Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан бепул берилди; б) жисмоний шахсларнинг банк пластик карталари ёки чегира (дисконт) карталарига оммавий оферта шартлари асосида ўтказилган бонуслар (пул, балл ва бошқа бирликлар) шаклидаги маблағлар (cashback) жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи базаси сифатида қаралмайди;

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Дори воситаларининг ноқонуний айланishi ва уларнинг суиистеъмол қилинишига йўл қўймаслик, кучли таъсир қилувчи моддалар айланishi тартибига солишни такомиллаштириш, шунингдек, аҳолининг соғлигини сақлашни таъминлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш учун қўшимча имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг:

(Давоми 4-бетда).

Янгиланаётган ЎЗБЕКИСТОННИНГ шиддатли уч йили

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари талқини бўйича Шавкат Мирзиёевнинг энг муҳим 20 та ташаббуси

Бундан уч йил аввал, 2016 йил 8 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини баҳарлаш Шавкат Мирзиёев зиммасига юклатилди. Шавкат Мирмонович илк кунларданок ўз юрти ва халқи, ҳар бир ватандошимизнинг тақдирини унум улкан эзгу мақсадлар билан иш бошлади.

Тарих нуқтаи назаридан бу гоят қисқа фурсат. Аммо шу вақт ичида мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатида кўплаб ижобий ўзгаришлар юз бердики, уларнинг эпкинлари нафақат юртдошларимиз турмушига

фаровонлик олиб кирди, шу билан бирга, Марказий Осиё минтақаси сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида ҳам туб бурилиш ясади. Бошқача айтганда, жамиятимизда кечаётган ўзгаришлар Ўзбекистоннинг янги қиёфасини шакллантирди.

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида янгиланаётган Ўзбекистоннинг шиддатли уч йиллидаги энг муҳим 20 та ташаббусига эътибор қаратди. Куйида уларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритамиз.

2 ва 3-саҳифаларга қаранг.

ҚЎҚОН МЕҲМОНЛАРГА МУНТАЗИР ФЕСТИВАЛЬ



Айни вақтда 10 — 15 сентябрь кунлари Қўқон шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро хунармандчилик фестивалига тайёргарлик жараёни кизгин тус олган. Махсус ажратилган 17 гектар ўрдаолди майдонида фестиваль меҳмонлари томонидан кўрғазмалар учун расталар тайёрлаш, саҳна қуриш ишлари жадал олиб борилмоқда. Барча вилоятлар вакиллари фестиваль иштирокчиларини кўтаринки руҳда кутиб олишга тайёрланыпти.

— Қўқонга кириб келар эканман, шаҳар ҳақидаги хотираларим қайта жонланди, — дейди Сирдарё вилояти бош рессоми, декорациялар устаси Аноркул Бойбеков. — Дунёнинг 24 давлатида кўрғазмалар, кўрик-танлов ва фестивалларда иштирок этганман. Голландияда уста-хунармандлар тайёрлашга ихтисослаштирилган ўқув юртида Қўқон ёғоч ўймакор усталари ясаган буюмларни кўрганимда, Бельгияда экспонатлар орасида кўқонликлар ясаган ўйма эшикка кўзим тушганида кўҳна шаҳар ҳақиқий

хунармандлар юрти эканлигига яна бир бор амин бўлганман. Шунингдек, шаҳар бўйлаб халқ сайиллари, диққатга сазовор жойларга саёхатлар, кўгирчоқбоз, дорбоз ва фольклор жамоалари, ҳар бир вилоятнинг маданият бошқармалари томонидан тайёрланган концерт дастурлари, ош танловлари, ўзбекистонлик ва хорижлик дизайнерлар иштирокида “Kokand fashion” мода ҳафталиги намойиши ҳам фестиваль дастуридан ўрин олган.

«Халқ сўзи».

(Давоми 4-бетда).

ЯНГИЛАНАЁТГАН

ШИДДАТЛИ

Оқилна валюта сиёсати

3. Валюта бозорининг эркинлаштирилиши, нақд пул билан боғлиқ муаммоларнинг бартараф этилиши, банк секторидаги ислохотлар.

Бундан 3-4 йил аввал банк-молия тизимида жиддий муаммолар мавжуд эди. Масалан, долларнинг уч хил курси иқтисодиёт ривожига жиддий тўсиқлик қиларди. Ёки пластик картадаги маблағларни нақдлаштириш ҳам оддий одамларга жуда қийинчилик туғдирарди. 20 — 30 фоизгача қўшимча ҳақ тўлашга тўғри келарди.

Аҳолига валюта операцияларини амалга оширишда қулайликлар яратиш мақсадида давлат халқаро тўлов карталарига сотиб олинган хорижий валютани тижорат банкларида нақд шаклда ечи олиш механизми жорий этилди. Аҳоли гавжум жойларда 24 соат режимда ишловчи чакана банк хизматлари марказлари ҳамда автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчалари ташкил этиш чоралари кўрилди.

Жорий йилдан бошлаб хорижий валютани банклар эмин-эркин сотишни бошлади. Эндиликда АҚШ доллари нархи ҳам бошқа товарлар нархи сингари бозорда шаклланади, унинг нархини сотувчи билан олувчи белгилайди.

Ҳамма учун фойдали

4. Солиқ концепцияси: янгиликлар, имтиёзлар.

2018 йил 29 июнь нафақат солиқ тизими, балки бутун мамлакат ҳаётида сўнгги йиллардаги энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Айнан шу кун Президент Шавкат Мирзиёев "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги тарихий Фармонга имзо чеқди. Ушбу ҳужжат оддий фуқаролар даромадида, иш билан банд бўлишига кўрсатадиган кучли таъсири орқали уларнинг турмуш тарзида бевосита акс этиши билан ахамиятли. Қолаверса, кичик бизнесни республика иқтисодиётининг реал сектори учун том маънодаги та-

янча айлантриб юбориши, давлат учун эса йиллар давомида эскирган ва мамлакат тараққиётига ҳар тарафдан тўғаноқ бўлаётган мураккаб ҳамда оғир солиқ тизимини тубдан янгилаш сари йўл очиб бериши боис ҳам тарихийдир.

Концепцияга биноан, 2019 йил 1 январдан эътиборан, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига солиқ юкламаси, барча жисмоний шахслар даромадларига 12 фоизлик ягона солиқ ставкаси жорий этилиши орқали пасайтирилди. Шундан 0,1 фоизи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобларига йўналтирилди, шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий бадаллари бекор қилинди. Бизнес учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15 фоиздан 12 фоизгача туширилди. Юридик шахслар айланмалари (нақд пул тушуми)дан ун-

дириладиган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар бекор қилинди, юридик шахслар фойдасига солиқ ставкаси 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун эса 22 фоиздан 20 фоизгача камайтирилди. Қўшимча қийматга солиқ ставкасининг 20 фоизлик ҳозирги миқдори сақлаб қолиниб, бунда солиқ ҳисоби тўлақонли тизими жорий этилди. Дейлик, аввалги ҳолатда жисмоний шахслардан энг кам иш ҳақининг 1 баробаридан 5 баробаригача 7,5, 5 баробаридан 10 баробаригача 16,5, 10 баробаридан оқори бўлса 22,5 фоиз миқдорда даромад солиғи ушлаб қолинаётган бўлса, ўзгаришдан сўнг бу рақам бир хил — 12 фоиз этиб белгиланди. Ҳақиқатан ҳам маош олишидан қатъи назар, ундан 12 фоиз даромад солиғи ушлаб қолинади ҳолос.

Бу ерда тарих яратилмоқда

8. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази — йирик илмий-амалий муассаса.

Республикамизда барча соҳалар қатори диний-маърифий йўналишда ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга ошириляпти. Бу саяё-ҳаракатлар замирида ислом дини таълимотини чуқур ўрганиш, илм ва тамаддун ғояларини тарғиб этиш, жамиятда "Жаҳолатга қарши — маърифат" тамойилини кучайтириш каби эзгу ғоялар мумкин.

Шу мақсадда 2017 йил 23 июнда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. 2017 йил 1 сентябрь кун давлатамиз раҳбари Ҳазрати Имом мажмуасида ташкил этилаётган Ислом маданияти маркази номи Ислом цивилизацияси маркази деб ўзгарилиши тақлиф этди.



Президентимиз Ҳазрати Имом мажмуасида бир неча марта бўлиб, марказнинг қурилиш жараёни билан танишди. Марказ қурилиши бўйича тақдим қилинган лойиҳага алоҳида эътибор қаратиб, бу марказ бизнинг ислом маърифати тарғиботидаги юзими бўлишини, шундай экан, унинг ташки қўрилишидан тортиб, бу ерда ишлатиладиган қурилиш материалларига эътибор бериш лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, биринчи навбатда, гуманитар фанларнинг энг устувор соҳаларида фундаментал тадқиқотлар олиб борадиган, ёшларга билим ва тарбия берадиган, замонавий, академик йўналишда чуқур ва кенг фаолият олиб борадиган йирик илмий-амалий муассаса ҳисобланади.

Марказ учун 9,1 гектар майдон ажратилган. Бино миллий аънавий усулда қурилмоқда. Ушбу ҳудудга қираве-ришда кўзнинг дастлаб "Бу ерда тарих яратилмоқда", деган ёзувга тушади. Дарҳақиқат, бу ерда узоқ қутилган тарихий маскан қад ростламоқда. Марказ, аввало, меъморий ва бинокорлик нуқтаи назардан ниҳоятда улғур, муҳташам ва ноёб бўлади.

Уч қаватли марказ лойиҳаси шарқона услубда ишланган бўлиб, ундан анжуманлар ва кўргазма заллари, қадимий кўлем ва осориатқаларни таъмирлаш бўлими, тарихий манба ва ашёларни сақлаш хоналари, кутубхона ўрин олади. Бинонинг симметрик марказида Усмон Қуръони зали жойлашади. Ахборот-ресурс маркази, илмий кафедралар ва бошқа хоналар энг юқори қаватда бўлади.

Ушбу марказ орқали халқимизнинг илм-маърифат, маданият ривожига қўшган ҳиссаси муҳрланади. Пировардида шундай улғур мерос халқимизга, ёшларимизга чуқур етиб боради.

Унутилмас бахт

Фуқаролик шарафи.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида илк бор Ўзбекистонда фуқароликка қабул қилинган мамлакат фуқароларига паспортлар бериш йўлга қўйилди.

Шу кунгача минглаб кишиларга фуқаролик паспорти берилди. Уларнинг барчасида бир ният мужассам: "Мен шу пайтгача шу юрт учун қанча хизмат қилган бўлсам, энди у менинг ҳақиқий Ватаним, она юртим бўлди. Менинг юртим тараққиётига қўшамак меҳнатим яна ўн чандон ошишига сўз бераман".

Катта ҳаёт учун яна бир имконият

Афв этиш халқимизга хос кечиримлик ва инсонпарварлик намунаси.

Тарихда илк бор Президентимиз томонидан адолатли афв этиш амалиёти йўлга қўйилди. Унга асосан, турли ҳолатларда жиноят содир этган, қилган ишидан қаттиқ пушаймон бўлган ва тўғри йўлга қирган, тураржойи ҳамда жазони ўташ муассасаларида ижобий тавсиф олган шахслар жазони ўташ колонияларидан озод қилинмоқда.

Охириги уч йилда давлатимиз раҳбари томонидан 7 марта афв эълон қилиниб, 3952 нафар шахс кечирилгани бунга яққол далилдир. Натижада қанчадан-қанча оилаларнинг бағри тўлди. Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалши йўлга қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармон яна кўплаб қалбларга шодлик улашди.

Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит

1. «Янги кўшничлик муносабатлари, чегараларнинг очилиши, Марказий Осиё давлатлари билан барча масалалар бўйича конструктив мулоқот ўрнатилиши».

Мамлакатимиз ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақаси устувор йўналиш сифатида белгиланди. Экспертларнинг қайд этишича, Ўзбекистон раҳбарининг қўшни давлатларга нисбатан сиёсатини кенгроқ маънода тушуниш керак. Яъни Шавкат Мирзиёев қўшни мамлакатларга рақобатчи сифатида эмас, балки ҳамкор сифатида қарамоқда. Бундай ёндашув умумий масалаларни биргаликдаги саяё-ҳаракатлар билан муваффақиятли ҳал қилишда муҳим омил ҳисобланади.

Мутахассисларнинг фикрича, чет элликларнинг Ўзбекистонга муносабати ҳам ижобий тарафга ўзгарди. Қўшни давлатлар билан алоқаларнинг жадаллашгани, умумий муаммоларнинг ҳал этилгани, яъни айрим сунъий тўсиқлар бартараф қилиниши, давлат чегарасидаги баъзи назорат-ўтқазми пунктларида чекловлар олиб ташланиши бунга ижобий таъсир кўрсатди. Қўшни давлатлар фуқаролари Ўзбекистон раҳбари сиёсатини юқори баҳолаб, қўрилайётган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашмоқда. Бугун чегарадош ҳудудларда ортиқча расмиятчиликларсиз ўзаро борди-келди қилаётган одамлар кувончининг чеки йўқ. Энг муҳими, улар яна бир бор халқлар муштараклиги ва яқдиллигини ҳис этишди.

Халқаро кузатувчилар фикрига кўра, Ўзбекистон раҳбарининг қатъий саяё-ҳаракатлари билан Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит шаклланди, минтақада сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада юксалди.

Давлат чин маънода халқ хизматида бел боғлади

2. Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди.

Халқ билан мулоқотнинг ноёб тизими фуқароларнинг давлат органлари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш имконини берди. Тизимга асос солинганидан бери ҳозирги кунгача уч миллиондан ортиқ фуқароларимиз Президент виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали ўзларининг долзарб муаммоларини ҳал қилди.



Ўтган давр мобайнида Виртуал ҳамда Халқ қабулхоналари мамлакатни янгиланишнинг амалий механизмига айланди. Президентимиз томонидан ўтказилаётган кўплаб селектор йиғилишлари фуқароларнинг кундалик ҳаётига доир муурожаатларни қўриб чиқишга қаратилган ишларнинг бориши муҳокамасидан бошланади.

Юрдошларимизнинг муурожаатлари айна пайтда бутун бошли соҳаларда ҳақиқий аҳволни кўрсатадиган индикатор, жамият кайфиятини ўрганиш барометри, таҳлил, асосий дастуриламал ҳужжатлар учун ноёб материал ҳамдир.

Ватанпарварлик, она юртга садоқат, мардлик ва жасурлик

5. Модернизация йўлидаги Куролли Кучлар.

Ҳозирги кунда дунёда олдиндан айтиш қийин бўлган вазият ҳукм сураётган мураккаб бир шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини, жамиятимизда тинчлик ва тотувликни таъминлаш нақадар муҳим ахамиятга эга эканини чуқур англаган ҳолда, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Куролли Кучларимизни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

Ушбу стратегия асосида ўтган вақт давомида мамлакатимиз ҳаётининг бошқа тармоқлари каторида ҳарбий қурилиш соҳасида кўпгина энг долзарб ва муҳим масалалар бўйича аниқ чора-тадбир ва ҳаракатларни кўзда тутадиган қарорлар қабул қилинди, уларни амалга ошириш бўйича ишлар самарали ташкил этилди.

Шу тариқа қисқа вақт мобайнида аниқ натижаларга эришилди, Куролли Кучларимизнинг келгусидаги қиёфасини белгилаб берадиган стратегик тамойиллар ва ана шу мақсадга эришишга қаратилган кенг қўламли комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси янгиланган ҳолда қабул қилинди. 2017 йилда Миллий гвардия ва Мудофаа саноти бўйича давлат кўмитаси ташкил этилди, ҳарбий округларнинг таркибий тузилиши ва вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, уларни босқичма-босқич замонавий курол-яроғ ва техника билан таъминлаш бўйича

муҳим қадамлар қўйилди. Ҳарбийларни уй-жой билан таъминлаш, оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш учун муносиб шарт-шароитлар яратилмоқда.

Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, армия ва халқ бирлигини таъминлаш борасида жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ролини ошириш бўйича ишлар бутунлай янги сифат босқичига кўтарилди.

Ҳар бир ҳудудда ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил



этилди, уларга бевосита раҳбарлик қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари зиммасига юкланди.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида мустаҳкам ҳаётий позиция ва Ватанимиз тақдири учун юксак масъулият туйғусини шакллантириш мақсадида ватанпарварлик тарбияси соҳасида моҳият-эътиборига кўра ноёб тизим яратилиб, унинг доирасига мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари қамраб олинди.

Одамларимиз олис келажакда эмас, бугун бахтли яшашга ҳақли

6. «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурлари ва эҳтиёжманд оилаларга тураржойлар берилиши.

Бугун одамларни рози қилиш уларда ишонч ҳиссини, Ватанга дахлдорлик туйғуларини мустаҳкамлайди. Бинобарин, бахтли одамларгина дунёни янгилашга, ўзгариштиришга қодир. Мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда жўшқин ҳамда жадал ислохотлар даврига кирди. Шу ислохотларнинг энг устуворларидан, муҳимларидан бири "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурларидир.

Мазкур дастурларга мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудуддаги қишлоқ ва маҳаллаларда қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб борилаётган. Мисол учун, Жиззах ви-



лоятининг Дўстлик туманидаги Манас қишлоғи 45 кун ичида қайтадан қурилди. Шу билан бирга, яқна тартибдаги уй-жой ва кўп қаватли уйлари таъмирлаш, электр, газ, ичимлик суви тармоқларини тортиш ва қайта тиклаш, канализация қудуғи ҳамда йўлларни таъмирлаш юмушлари олиб борилаётган. Бозор ва бошқа инфратузилма объектлари қуриляпти. Бундан ташқари, мактаблар, боғчалар, тиббиёт муассасалари каби ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш ишлари давом этапти.

«Tashkent City» — шаҳар ичидаги замонавий шаҳар

7. Пойтахтимиз Марказий Осиёнинг ҳақиқий мегаполисига айланади.

"Tashkent City" халқаро бизнес маркази бўлади. Мазкур замонавий комплекс пойтахтимизнинг Алишер Навоий, Олмазор, Ислом Каримов ва Фуқрат кўчалари оралига 80 гектар ҳудудда барпо этилмоқда. Лойиҳага муво-

фиқ, "Tashkent City"да бизнес марказлар, савдо мажмуалари, меҳмонхоналар, офислар, конгресс-холл, кўргазма заллари, кўп қаватли замонавий уйлар, рестороанлар, суний кўл, фавворалар, ижтимоий ва бошқа объектлар қурилади.

Айни пайтда конгресс-холл ва беш юлдузли меҳмонхона қад ростлаб улгурди. Конгресс-холл биноси икки қаватдан иборат бўлиб, унинг марказида катта ва кичик залларга транс-

формация бўладиган 4 минг ўринли холл мавжуд. Бундан ташқари, бир вақтнинг ўзида 8 та делегацияни қабул қилиш имкониятига эга қўшимча заллар ҳам бор.

21 қаватли беш юлдузли меҳмонхонанинг қурилиш ишлари ҳам жадал суръатларда давом этмоқда. "Hilton" бренди остида фаолият юритадиган бу отелда 258 та хона бўлади. Бундан ташқари, 3 та рестороан, банкетлар зали ҳамда 6 та мажлислар зали мавжуд.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ

УЧ ЙИЛИ

11. «Меҳр» улашиб

Суриядан қайтарилган ватандошлар. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан «Меҳр» номли тадбир амалга оширилди.

Ҳеч кимга сир эмас, Сурия давлатида бўлаётган уруш жараёни, террорчилик ва экстремистик ҳаракатларга бир қатор ўзбекистонликлар ҳам аралашиб қолган. Лекин уларнинг ичида ўзи тушуниб-тушунмасдан, адашиб бориб қолган, экстремистик гуруҳлар фаолиятининг жабрини кўрганлар ҳам бор.

Ортбошимиз топшириғига кўра, 2019 йилнинг 30 май куни 156 нафар фуқаро, хусусан, 48 нафар аёл ва 107 нафар бола жангарилар лагеридан Ватанимизга қайтарилди. Улар алдов йўллари билан Яқин Шарқдаги қуроли мождорлар худудида адашиб бориб қолган фуқароларимиздир.

Оғир ҳаётий даврни бошдан ўтказиб, Ватанга қайтган ҳамюртларимизга Ўзбекистон Ҳукумати реабилитация ва жамиятга қайта мослашишлари учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатди.

Хусусан, Президентимиз топшириғига мувофиқ, Ҳукумат қарори билан Махсус комиссия ташкил этилди ва унинг таркибига кирган масъул вазирилик ва идоралар мутасаддиларига аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Республикага қайтарилган ватандошларимиз ижтимоий реабилитация ҳамда соғломлаштириш мақсадида Тошкент вилояти худудидаги керакли шароитлар яратилган санаторийга жойлаштирилди.

Ватандошларимизга ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ёрдам бериш мақсадида санаторийда масъул вазирилик ва идоралар томонидан уларга 24 соат давомида кўмаклашиш учун вакиллар бириктирилди.

Санаторийнинг ўзида уларга тиббий ёрдам ва психосоциал кўмак бериш, шахсий ҳужжатларни тиклаш, бандлигини таъминлаш, таълим ва бошқа ижтимоий дастурларда иштирок этиш ҳамда ижтимоий нафақалар тўлаш чоралари кўрилди.

Маълум муддат ўтгач, барча ватандошлар ўз уйларига юборилди. Улар айна пайтда жамиятимизнинг фаол аъзоси сифатида ҳаёт кечирмоқда.

Афғонистонга ёндашиш ўзгарди

12. Мамлакатимиз ташқи сиёсатида Афғонистонга муаммо ва таҳдидлар манбаи эмас, балки ноёб стратегик имкониятлар мамлакатига сифатида қараш бошланди.

Минтақамиздаги барқарорлик ҳамда изчил тараққиёт бевосита кўшни Афғонистонда тинчлик ва оқсоқиллик қарор топиши билан узвий боғлиқ. Бинобарин, ушбу мамлакат Марказий Осиёнинг ажралмас қисми бўлган ҳамда шундай бўлиб қолажак.

Бизни умумий тарих, дин, маданият ва урф-одатлар ҳамда хавфсизликни таъминлаш, савдо-сотиқни ривожлантириш соҳасидаги манфаатлар бирлаштиради. Тинч Афғонистон Марказий Осиё давлатларининг Ҳинд океани ва Форс кўрфазини портларига энг қисқа йўлни таъминлаши, Ҳиндистон, Эрон ҳамда Покистонни Европа ва Яқин Шарқ бозорлари билан боғлаши мумкин.

Шунинг учун ҳам Афғонистонни минтақавий муаммолар, таҳдидлар манбаи сифатида эмас, балки ноёб стратегик имкониятлар мамлакатига сифатида қараш ўринли. Бу эса, ўз навбатида, бундан Евросиё минтақасида кенг трансминтақавий муносабатларни ривожлантиришга туртки беради.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Афғонистон билан икки томонлама муносабатларни сезиларли даражада кенгайтирди, афғон муаммосини ҳал қилиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларга фаол қўшилди. Хусусан, Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ҳамда ноябрь ойида Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқида Марказий Осиёдаги хавфсизликка таҳдидларни «Ўзиники ва ўзгаларники» деб ажратишдан воз кечиш, «ялпит хавфсизлик» тамойилига амалда риоя қилиш зарурлиги, қўшни мамлакатдаги тинчликка фақат музокаралар билан эришиш мумкинлигини таъкидлади. Зеро, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Президентимиз шу нуктага назардан жаҳон афкор оммаси эътиборини афғон мождаросини ҳал қилишнинг ягона йўли — марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдидан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш эканига қаратди.

2018 йилнинг март ойида пойтахтимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида Афғонистон Ислом Республикаси билан биргаликда ташкил этилган «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси дунё ҳамжамияти эътиборидаги муҳим воқеа бўлди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Афғонистон билан савдо-иқтисодий, транспорт, энергетика ва маданий-гуманитар алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича изчил ҳамда қатъий сиёсат олиб бораёти. Икки мамлакат раҳбарларининг мунтазамлик касб этган ўзаро мулоқотлари биргаликдаги ҳамкорликка катта туртки бўлмоқда. Президентлар дўстона ва самарали, ўзаро ишончга асосланган мулоқотни йўлга қўйишга эришдилар. Вазирилик ҳамда идоралар раҳбарлари даражасида мулоқотлар фаоллашди.

Ўзбекистон ва Афғонистон Ислом Республикаси давлат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган музокаралар чоғида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида Термиз туманида Афғонистон фуқароларини ўқитишга мўлжалланган ўқув марказини ташкил этиш режалаштирилган. Шу келишув ижроси қисқа вақтда таъминланиб, марказ фаолияти йўлга қўйилди.

Орол дарди — олам дарди

13. БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун махсус фонд.

БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди фаолияти йўлга қўйилди.

Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондини ташкил этиш борасидаги мамлакатимиз ташаббусининг БМТ томонидан қўллаб-қувватланиши Ўзбекистон ва халқаро ҳамжамият билан минтақада экологик инқироз оқибатларига барҳам бериш ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш, аҳоли турмуш шароитини ошириш йўлидаги фаол мулоқотнинг мантӣқий давоми бўлди.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш траст фондининг



ташкил қилинишини «Жабранган минтақа тарихида янги саҳифа», деб баҳолади. Бу бежиз эмас, албатта.

Бош котиб 2017 йилнинг июнь ойида Оролбўйи худудларига сафар қилган ва жаҳондаги йирик ички сув ҳавзаларидан бири Оролнинг қуриб бориши туфайли минтақада издан чиқаётган ижтимоий-иқтисодий вазиятни ўз кўзи билан кўрган, инсонлар турмуш тарзи ва келажакка ишончи сўниб бораётганига гувоҳ бўлган эди. Олий мартабали меҳмон бундай вазиятга «жаҳон миқёсидаги талафот» сифатида қараган эди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида жаҳон ҳамжамияти эътиборини яна бир бор Орол фожиасига қаратди. Президентимиз ташаббуси билан 2018 — 2021 йилларда Оролбўйи худудини ривожлантириш бўйича Давлат дастури қабул қилиниши эса Ўзбекистоннинг бу каби экологик ҳалокат оқибатларига қарши курашдаги ўзгармас сиёсатини ўзида акс эттирди.

Мўйноқ мўъжизаси



14. «Агар кимдир бизнинг ислохотларимизга шубҳа қиладиган бўлса, Мўйноққа келиб кўрсин».

Президентимизнинг 2018 йилги ташири давомида берилган кўрсатмалар асосида ҳукуматнинг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури қабул қилинди. Унда 2019 — 2021 йилларда жами 1 триллион 485 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган.

Қисқа вақт ичида қатор объектлар фойдаланишга топширилди. Жумладан, 800 ўринли амфитеатр ва Давлат хизматлари маркази қурилди, маданият маркази ва стадион, «Бо-

затау» овул фуқаролар йиғинидаги оилавий поликлиника реконструкция қилинди.

Яна бир ўзига хос воқеалиқ. Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидан 200 километр, Нукусдан 400 километр олдсда Возрождение оролининг Шағала деб номланувчи жойи бор. Уша худуддан — Орол денгизининг қуриган майдонидан чучук сув топилиди.

Ушбу чучук сув Жанубий Орол олди артезиан ҳавзасининг Бор даври ётқизикларидан, яъни 260 — 280 метр чуқурликдан топилиди. Бу сувнинг минераллашуви 3 грамм, қаттиқлиги 6 миллиграмм эквивалентга тенг.

Оролнинг қуриган майдонида «Яшил қалқон» — саксовулзорлар барпо этилаётгани ҳам диққатга сазовор.

«Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари»

15. Миллий руҳ ва ёшлар.

Бугун «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» деган тамойилга асосланиб, миллий ғоя, унинг мафкуравий негизларини пухта ишлаш, ёш авлодни болалиқдан миллий гуруҳ ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, адолатли жамият барпо этилишига, унда соғлом муҳит қарор топишига, одамларнинг руҳи бўлишига ва ислохотларда фаол иштирок этишига замин яратмоқда.

Келажагимиз эгалари бўлган ёшларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини

рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши этиб белгиланган бўлиб, бу йўлда улкан ишлар амалга оширилди.

Ўтган қисқа вақт ичида ёшлар ҳаётига бевосита тааллуқли 25 дан зиёд Қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилгани ёшларимиз, бугун эл-юртимиз ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди. 30 июнь — Ёшлар куни этиб белгиланди.

Ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, ёш тадбиркорларга, айниқса, қизларга хунармандлик билан шуғулланишлари учун кредитлар ажратиш, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш, фермерликни қўллаб-қувватлаш, фарзандларимизнинг таълим-тарбияси, уларни соғломлаштириш ва

бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Мамлакатимизда марказий ва маҳаллий ҳокимлик идоралари, депутатлар корпуси, суд-ҳуқуқ соҳаси раҳбарларининг ёшлар билан очик мулоқотлар олиб бориши ижобий аънаъга айланган бўлмоқда. Бундай мулоқот ва учрашувларда ёшларни ўйлантираётган кўпгина муаммолар жойида ҳал этилмоқда, уларга амалий ёрдам, малакали маслаҳат ва йўлланмалар берилмоқда.

Жонажон Ватанимизнинг янги қиёфасини яратишда ўз меҳнати, ташаббускорлиги ва маънавий фазилатлари билан бошқаларга ўрнак ва намуна бўлаётган азму шижоатли ёшлар учун «Мард ўғлон» давлат мукофоти ҳамда «Келажақ бунёдкори» медали таъсис этилди.

Беш муҳим ташаббус

16. Ёш авлод маънавий баркамол бўлиб тарбия топади.

Турли зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги дунё манзараларида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди.

Шу боис Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббус улкан аҳамият касб этади.

Биринчи ташаббус ёшларнинг музика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.



Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди.

Мазкур беш муҳим ташаббус илк

Мамлакатимиздаги биринчи АЭС

20. Ўзбекистонда биринчи АЭС қурилиши лойиҳасини ишга тушириш.

Барчага аёнки, ядро энергияси иқтисодий ривожланишда муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан 2030 йилга келиб, унинг фаолияти мамлакатимизда электр энергия ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидан 15 фоизни таъминлаши, энергия ресурсларининг экспорт салоҳиятини ошириши, табиий газдан бошқа мақсадларда, жумладан, нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки экспорт учун фойдаланиши, карбонат ангидрид чиқарилишини 14 миллион тоннага, азот оксидини 36 миң тоннага қисқартириш ва атроф-муҳит ҳолати яхшилашига имкон яратяди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги («Ўзатом» агентлиги) ташкил этилди.

Айни чоғда Ўзбекистонда режалаштирилаётган атом электр станцияси қурилиши учун барча талабларга жавоб берадиган жой танланди.

Биз юқорида Президентимизнинг энг муҳим 20 та ташаббусини тилга олдик ҳолос. Агар охириг уч йил ичида амалга оширилган ишларнинг барчасини санайдиган бўлсак, газетамиз саҳифалари етмаслиги турган гап. Халқимиз катта хурсандчилик билан кутиб олган ислохотлар орасида юртимизда илм-фан ривожига, ўқитувчилар меҳнатини қадрлашга, зиёлиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, китобхонлик маданиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган ва бошқа яна кўплаб ташаббуслар ҳам бор. Буларнинг барчаси аҳолимиз турмуш-фаровонлигини юксалтириш, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторига қўшилишга қаратилгани билан қадрли ва аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Куйидагилар: Халқаро таснифлагичнинг 3-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида 9-синф битирувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган бошлангич профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Халқаро таснифлагичнинг 4-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида ўрта профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Халқаро таснифлагичнинг 5-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида олий таълим тизими билан интеграциялашган ўрта махсус профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган, олий таълим муассасалари хузурида фаолият юритадиган таълим муассасалари рўйхати 3-иловага мувофиқ;

Касбга ўқитиш марказларини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимига ўтказиладиган касб-хунар коллежлари рўйхати 4-иловага мувофиқ;

Олий таълим муассасалари қувватларини ошириш, истикболда хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларини ташкил этиш учун бериладиган касб-хунар коллежлари рўйхати 5-иловага мувофиқ;

Олий таълим муассасаларининг кўп тармоқли ўқув марказлари ва амалиёт полигонларини ташкил этиш учун бериладиган касб-хунар коллежлари рўйхати 6-иловага мувофиқ;

Бинолари умумий ўрта таълим муассасалари сифатида фойдаланиладиган касб-хунар коллежлари рўйхати 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига зарур ҳолларда ушбу банд билан тасдиқланган рўйхатларга ўзгариштириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки: а) бошлангич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаларида Халқаро таснифлагич бўйича асосий таълим дастурларида ташқари куйи даражадаги таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлаш ҳуқуқи берилди;

б) тизимда мос равишда бошлангич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим дастурлари жорий этилган касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлардан иборат профессионал таълим муассасалари тармоғи ташкил этилади;

в) касб-хунар мактабларида: кадрлар тайёрлаш умумтаълим муассасаларининг 9-синф битирувчилари ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда 2 йиллик умумтаълим ва мутахассислик фанларининг интеграциялашган дастурлари асосида кундузги таълим шаклида амалга оширилади;

таълим олаётган ўқувчилар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорига ойлик стипендия ҳамда уч маҳал оқват билан таъминланади. Бунда касб-хунар мактаблари ўқувчиларни уч маҳал оқват билан таъминлаш ёки мазкур оқват пулларини уларга тўлаб бериш ҳуқуқига эга;

ж) жорий сақлаш, фаолиятни юритиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

з) коллежларда: кадрлар тайёрлаш Халқаро таснифлагичнинг камида 3-даражасига мос таълим дастурларини таъминлаган, "Ҳаёт давомида таълим олиш" принципи асосида камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда 2 йилгача мuddатда кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

ж) жорий сақлаш, фаолиятни юритиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари тегишли вазирлик, идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

д) техникумларда: кадрлар тайёрлаш Халқаро таснифлагичнинг камида 3 ёки 4-даражасига мос таълим дастурларини таъминлаган, "Ҳаёт давомида таълим олиш" принципи асосида камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда 2 йилдан кам бўлмаган мuddатда кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

ўрта махсус таълим дастурларини муваффақиятли таъминлаган

битирувчилар ўз соҳасига мос бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз яқна тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида 2-курсдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади;

ж) жорий сақлаш, фаолиятни юритиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари тегишли вазирлик, идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

е) касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумларга идоровий бўйсунувдан қатъи назар, ўқув-методик раҳбарлик қилиш ҳамда бу соҳада давлат сиёсатини юритиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йил 1 январдан янги ташкил этиладиган бошлангич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаларининг таъминотида, шу жумладан, уларнинг жорий сақлалишига, фаолиятини юритишига, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга Давлат бюджетни параметрлари доирасида зарур молиялаштиришни назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг умумий ўрта таълим муассасаларининг 10, 11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга иxtисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини тугатиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Белгилансинки, умумий ўрта таълим муассасаларининг 10, 11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга иxtисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари тугатилиши ҳисобига бўшайдиган маблағлар профессионал таълим тизимини молиялаштиришга йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) икки ой мuddатда Миллий квалификация тизимига мувофиқ Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари классификаторини қайта кўриб чиқсин;

б) илгор хорижий таъриблар асосида: уч ой мuddатда Ўзбекистон Республикасида миллий квалификация рамкисини;

2020 йил 1 январгача иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун Квалификация рамакларини;

2020 йил 1 апрелгача Миллий профессионал стандартларни ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) куйидагиларни: икки ой мuddатда Узлуксиз бошлангич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълими тўғрисидаги низомини тасдиқлашсин;

уч ой мuddатда касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумларнинг намунавий усталарини тасдиқлашсин;

2020 йил 1 январгача ҳудудларда инвестицион лойиҳалар асосида яратилаётган иш ўринлари, кадрларга бўлган реал эҳтиёжлардан келиб чиқиб, таълим муассасаларининг иxtисослашувини инобатга олиб, мавжуд жиҳозларни қайта тақсимлашсин;

2020 йил 1 апрелгача идоровий бўйсунувдан қатъи назар, профессионал таълим муассасаларининг ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълим усталарини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги тизимини жорий этишни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) 2020 йил 1 июнгача бошлангич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими учун таълим дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ҳамда вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқувлар ва мавзуга оид кўрсатувларни ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариштириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 6 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ҲАМДА УШБУ СОҲАДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

в) жисмоний шахсларнинг уй ҳўжалиги шароитида, шу жумладан, дехқон ҳўжалигида этиштирилган қорвчилик, асаларчилик ва дехқончилик махсуслотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда, саноатда қайта ишлашдан ташқари, сотишдан, шунингдек, ҳайвонларни тирик ёки уларни сўйиб сотишдан оладиган даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинишида, реализация қилинган махсуслот жисмоний шахс ёки унинг оила аъзоларига ажратилган томорқа ер участкасида этиштирилганлигини тасдиқловчи ҳўжжати талаб қилиш тартиби бекор қилинади.

4. Нақд пул тушумига эга бўлган тадбиркорлик субъектларининг онлайн назорат касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланишга босқичма-босқич ўтказиш графиги иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳар йили олис, етиб бориш қўйин бўлган аҳоли пунктлари рўйхатини тасдиқлайди ва ушбу ҳудудларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига мазкур Фармон билан тасдиқланган график татбиқ этилмайди.

5. Белгилансинки, онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтган тадбиркорлик субъектлари томонидан:

тақдим қилинган харид чекида (кейинги ўринларда — чек) товарлар (ишлар, хизматлар) номи, миқдори, қиймати (нархи), суммаси, қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлганда қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва суммаси, шунингдек, QR-код ва фискал белги мажбурий тартибда акс эттирилади.

Ушбу маълумотлар акс эттирилмаган чеклар ҳақиқий ҳисобланмайди; маълумотларни операторга реал вақт режимида етказиб беришнинг техник имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда чеклар офлайн режимида берилиши мумкин. Бунда маълумотлар операторга 24 соат мобайнида узатилиши шарт;

тўлов терминали орқали қабул қилинган тўловлар учун харидорларга тўлов терминали чеки билан бирга онлайн-НКМ ёки виртуал касса чеки ҳам берилиши шарт.

Ушбу Фармон билан тасдиқланган графикда кўрсатилган мuddатлар тугайдан кейин онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланмасдан товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, онлайн-НКМ ёки виртуал касса орқали чек тақдим этмаслик ёки фискал белгига эга бўлмаган чекларни тақдим қилиш — фискал хотирига назорат-касса машиналарини ёки ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдонга амалга оширилган ва хизматлар кўрсатилган деб баҳоланадиган ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2019 йил 1 октябрдан Тошкент шаҳридаги онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтган тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинган чеклардаги QR-код ёки фискал белгилар асосида ютуқли ўйинларни ташкил қилиш бўйича тахрибга ўтказиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йил 1 ноябрга қадар ютуқли ўйинлар ташкил этиш учун Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан бир миллиард сўм миқдорига маблағ ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 июлга қадар тахрибга натижаларга қўра, уни Республикасининг бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига асосланган тақлиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда 2019 йил 1 октябрга қадар чекларни рўйхатдан ўтказган жисмоний шахслар орасида ютуқли ўйинларни ўтказиш бўйича тартиб ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин.

9. "Ўзлуксиз саноат" ушумасига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда: ушумаси таркибига кирувчи қорхоналар негизда онлайн-НКМ, маълумотларни онлайн режимида давлат солиқ хизмати органларига узатиш функциясига эга бўлган махсус қурималар ишлаб чиқаришини йўлга қўйсин;

онлайн-НКМ ва виртуал кассанинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун барча ҳудудларда техник хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш тасвися этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 6 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

шифокор реценти бўйича бериладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар, шу жумладан, кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган дори воситаларининг ноқонуний чакана савдоси ҳолатларига барҳам бериш бўйича тегишлилар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош қармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вақилга хабар бериш тартибида, Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали амалга оширилиши;

кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази қошида ташкил этиладиган идораларга эксперт гуруҳи (кейинги ўринларда — эксперт гуруҳи) тақлифлари асосида ўзгариштириш ва қўшимчалар киритилиши тартибини ўрнатиш тўғрисидаги тақлиф маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхати ва эксперт гуруҳининг таркибини тасдиқласин.

3. Белгилансинки: кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган дори воситаларини бериш учун ёзилган рецептлар дорихоналарда бир йил давомида сақланади;

мулкчилик шакли ва идоровий мансублигидан қатъи назар, тиббиёт ташкилотларида беморга рецептли дори воситаларини белгиланган тартибда рецептни расмийлаштирмасдан тайинлаш тақиқланади;

2020 йил 1 январдан бошлаб дори воситалари ва тиббий буюмларнинг реализация (бериш) жараёнини узлуксиз равишда видеога ёзиб олиш ва бир ой давомида видео-ёзувларни сақлаш дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишдаги лицензия талаби ҳисобланади (кишлоқ оилавий поликлиникалари ва кишлоқ врачлик пунктлари ҳудудида жойлашган дорихоналар ва уларнинг филиаллари бундан мустасно), мазкур талабнинг мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ марта) бузилиши лицензиянинг амал қилишини ўрнатилган тартибда тугатиш учун асос бўлади.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

дори воситаларининг нотиббий мақсадларда истеъмол қилиниши устидан доимий мониторинг олиб бориш ва зарур ҳолларда эксперт гуруҳига тегишли тақлифларни киритиш чораларини кўрсин;

икки ой мuddатда дори воситалари ва тиббий буюмларни реализация қилиш қондаларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни тақомиллаштиришга оид, шу жумладан, рецепт бўйича дори воситаларини бериш тартибини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ходимлари штатининг умумий чекланган сони доирасида, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чакана савдосига қўйиладиган лицензия талабларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлашга жавобгар бўлган ходимларнинг штат сонини қўйгайтириш бўйича тақлифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига фармацевтика махсуслотлари харақатини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ахборот тизимини (кейинги ўринларда — Ахборот тизими) яратиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларнинг етарли даражада эмаслиги ва натижа бермаётганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Ахборот тизимини белгиланган мuddатларда жорий этиш жараёнини фаоллаштирсин ва жадаллаштирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: уч ой мuddатда Дори воситалари ва тиббий буюмларга электрон тарзда рецепт бериш ахборот тизими (кейинги ўринларда — Электрон рецепт бериш тизими)ни жорий этиш бўйича техник ҳўжжатларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Электрон ҳўкумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази" ДУКка киритсин;

2021 йил 1 январга қадар Электрон рецепт бериш тизими, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жорий этилишини таъминласин ва уни Ахборот тизими билан интеграциялаш имкониятини назарда тутсин.

8. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Электрон рецепт бериш тизимининг буюртмачиси ҳисобланади;

2021 йил 1 мартдан бошлаб Электрон рецепт бериш тизими мулкчилик шакли ва идоровий мансублигидан қатъи назар, Тошкент шаҳридаги барча тиббиёт ташкилотлари ва дорихоналари учун, 2022 йил 1 мартдан бошлаб эса босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудларида қўлланилиши мажбурий ҳисобланади;

Электрон рецепт бериш тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва кейинчалик қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, ахборотлаштириш объектларини тегишривдан ўтказиш, техник ва лойиҳаолди ҳўжжатларини тайёрлаш, сервер, коммутация ва компьютер ускуналари харид қилиш "Соғлиқни сақлаш" тармоғи учун ажратиладиган бюджет ажратмалари доирасида, шунингдек, халқаро молия институтлари, хорижий ҳўкумат молия ташкилотлари ва донор мамлакатларнинг маблағлари, давлат-хусусий шериклик шартномаси доирасида хусусий шерик маблағлари ҳамда қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланганлиги ҳисоб-китоблари бўйича бир ой мuddатда ахборотлаштириш объектларини тегишривдан ўтказишга, техник ва лойиҳаолди ҳўжжатларини тайёрлаш ҳамда Электрон рецепт бериш тизимини экспертиза қилишга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йилдаги "Соғлиқни сақлаш" тармоғи учун тасдиқланган параметрлари доирасида зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 февралга қадар Электрон рецепт бериш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишни белгиланган тартибда молиялаштириш учун халқаро молия институтлари, хорижий ҳўкумат молия ташкилотлари ва донор мамлакатларининг маблағлари жалб этилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикасида

Электрон рецепт бериш тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва техник қўллаб-қувватлаш бўйича "Йўл харитаси"ни мазкур қоронинг талабларини ҳисобга олиб ҳамда масул ироччилар ва аниқ мuddатларни белгиланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда икки ҳафта мuddатда дори воситалари, шу жумладан, таркибда кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини шифокор рецетписисиз истеъмол қилинишини салбий оқибатлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурсларда ахборот-тарғибот ишларини кенг қўламада ташкил этиш бўйича медиа-режани тасдиқласин, бунда шу билан бирга, ҳамиятда соғлом турмуш тарзига риоя этиш юзасидан махсус рўқлар ва мавзуга оид материаллар жойлаштирилиши назарда тутилсин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳўжжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариштириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

13. Мазкур қоронинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ